

ЧОРВАЧИЛИКДА ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАККАЖЎХОРИ ЎСИМЛИГИДА БАРГЛАР СОНИ

М.Х.Зулфиқоров-мустақил тадқиқотчиси¹

Т.П.Ахмедов-Озуқа етиштириш, озуқабоп экинлар селекцияси
ва уруғчилиги бўлими бошлиғи²

Б.Д.Аллашов-илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор
ўринбосари, қ.х.ф.н., катта илмий ходим²

А.Е.Янгибоев-доценти, қ.х.ф.д., (DSc)¹

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети Тошкент филиали¹*

*Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,
allashev-b@mail.ru²*

Аннотация. Чорвачиликни соҳалари ривожда озуқа базаси муҳим аҳамиятга эга. Чорва моллари учун сифатли силос тайёрлашда маккажўхори муҳим озуқабоп экинлардан бири саналади. Маккажўхоридан сифатли силос тайёрлашда барглар сони муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ушбу мақолада маккажўхорининг Ўзбекистон-2018 навини ҳар хил кўчат қалинлигида экилганда барглар сонини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, маккажўхори, озуқа базаси, барглар сони, ҳосилдорлик, баргдорлик, силос.

Summary. The forage base is of great importance in the development of animal husbandry. Corn is one of the most important forage crops for the production of high-quality silage for livestock. Foliage is an important indicator for the production of high-quality silage from corn. This article presents data obtained from studying the foliage when sowing corn of the Uzbekistan-2018 variety at different seedling densities.

Key words: Animal husbandry, corn, forage base, leaves, yield, foliage, silage.

Кириш. Маккажўхори ҳосилдорлигига таъсир қиладиган омилларни ўрганишнинг долзарблиги, масалан, оптимал кўчат қалинлигини аниқлаш, биринчи навбатда, дурагайларнинг генетик салоҳиятини яхшироқ амалга ошириш қобилияти билан боғлиқ. Кўчат қалинлигига қараб, ҳар бир нав ёки дурагай ҳаётининг асосий омиллари ва биринчи навбатда, намлик ҳамда озуқа моддалари билан турлича таъминланади [1-5].

Оптимал кўчат қалинлигида ўсимлик ҳосилдорлиги тўлиқ намоён бўлади, тупроқ намлиги ва озуқа моддаларидан самаралироқ фойдаланилади, баргларнинг юқори фотосинтетик фаоллиги таъминланади. Шу билан бирга, маккажўхори ҳосилдорлиги 30-40% га ошади [6-19].

Ҳаддан ташқари кўчат қалин бўлса фузариум касаллиги кўпайиб маккажўхори ўсимлиги ҳосилдорлигига салбий таъсир қилади [6-10].

Губин С.В., Логинова А.М., Гетц Г.В. (2022) ва бошқа бир қатор олимлар тадқиқотларида маккажўхори экинларида ўсимлик зичлигини, яъни кўчат

қалинлигини танлаётганда, нафақат ФАО кўрсаткичини ҳисобга олиш керак, балки ўзига хос дурагайларнинг генетик хусусиятлари: бошпоя баландлиги, баргланиши, барг катталиги, шунингдек, минтақанинг иқлимий хусусиятлари ва қўлланиладиган агротехникага ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Эртапишар маккажўхори дурагайларида кўчат қалинлиги ўта муҳим аҳамиятга эга [2-19].

Тадқиқот мақсади. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади маккажўхорининг янги яратилган Ўзбекистон-2018 навини ҳар хил кўчат қалинлигида экилганда барглар сонига бўлган таъсирини ўрганиш ва энг мақбул кўчат қалинлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатувлар умумқабул қилинган “Методика полевых опытов с кукурузой” (Днепропетровск. 1984) [18] услубий қўлланмаси ва уруғликнинг сифат кўрсаткичлари ЎзДСт 2823:2014 “Семена с/х культур, методы определения всхожести”дан фойдаланилди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (М.1985) ва замонавий АНОВА (Анализ дисперсии) дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари. Маккажўхори экини ҳар хил меъёрдаги кўчат қалинлигида экилганда барглар сонига бўлган таъсирини ўрганиш мақсадида 6 хил вариантда, 4 та такрорланишда тажриба кўчатзорлари ташкил этилди. 1-вариантда 60 минг туп/га, 2-вариантда 65 минг туп/га, 3-вариантда 70 минг туп/га, 4-вариантда 75 минг туп/га, 5-вариантда 80 минг туп/га ва 6-вариантда 85 минг туп/га меъёрда экилди ва 4 та қайтариқда такрорланди. Ҳар бир вариантда 20 тадан ўсимликларда ҳар бир тупидаги барглар сони санаб чиқилди. 1-жадвалда кўчат қалинлиги 6 та вариантда экилганда биринчи такрорланиш бўйича олинган натижалар келтирилган.

1-жадвал

Дон учун ҳар хил кўчат қалинлигида экилганда ўсимликдаги ўртача барглар сони

Вариантлар	n	Диапазон (минимум-максимум)	Ўртача кўрсаткич, дон $\bar{X} \pm S_{\bar{X}}$	δ
1-вариант, 60 минг туп/га	20	16-18	17,2±0,07	3,0
2-вариант, 65 минг туп/га	20	16-18	17,1±0,06	2,7
3-вариант, 70 минг туп/га	20	16-18	16,9±0,05	2,8
4-вариант, 75 минг туп/га	20	16-18	16,8±0,06	3,1
5-вариант, 80 минг туп/га	20	16-18	16,8±0,04	2,9
6-вариант, 85 минг туп/га	20	16-17	16,6±0,05	2,7

Маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” нави дон учун экилган тажриба кўчатзори 1-такрорланишда 60 минг туп/га меъёрда экилган битта ўсимликдаги барглар сони ўртача 17,2 донани, 65 минг туп/га меъёрда экилганда 17,1 донани, 70 минг туп/га меъёрда экилганда 16,9 донани, 75 минг туп/га меъёрда экилганда 16,8 донани, 80 минг туп/га меъёрда экилганда 16,8 донани, 85 минг туп/га меъёрда экилганда эса 16,6 донани ташкил этди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган натижаларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, маккажўхорининг янги яратилган Ўзбекистон-2018 нави 60 минг туп/га кўчат қалинлигида экилганда ўртача барглар сони 17,2 донани ташкил этган бўлса, кўчат қалинлиги ортиб борган сари ўртача барглар сони камайиб борди. Энг қалин 85 минг туп/га қалинликда экилган вариантда бир ўсимликдаги ўртача барглар сони 16,6 донани ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. A.A.Nurmatov, B.D.Allashov, Sh.Sh.Jabborov, I.Rustamova, Sh.Tursunov. Feeding farm animals based on the new innovative total mixed ration (TMR) technology. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2020/12/1. 614 (1), 012161
2. B.Amanturdiev, B.Allashov, F.Toreev, N.Khudoyberdiev, U.Beknaev. Investigating stimulated ripening indicators of longbeak rattlebox (*Crotalaria*) planted in the coasts of the Aral Sea. E3S Web of Conferences, 2023, 421, 01001. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202342101001>
3. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614 (1), 012159 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012159>
4. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, M.N.Sattarov. Primary seed production of fodder crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012160 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012160>
5. M.I.Annaeva, F.N.Toreev, M.M.Yakubov, B.D.Allashov, N. Mavlonova. Agrotechnology of *Melilotus albus* cultivation in saline area. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012170 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012170>
6. Massino A.I. Selection of early hybrids of corn in Uzbekistan. / Massino A.I. // Field crop studies. Dobrondja, 2010. V. 6. 3. P. 343-345.
7. Б.Аллашов, С Жамолов Озукабоп экинларнинг иссикка ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПУСТЫННОГО ЖИВОТНОВОДСТВА, ЭКОЛОГИИ И СОЗДАНИЯ ПАСТБИЩНЫХ АГРОФИТОЦЕНОЗОВ." (2023).
8. БД Аллашов, С Жамолов Чорвачиликда озука базасини мустахкамлашда инновацион усулда кашкарбедани бошокли экинлар билан аралашма холда экиб етиштиришнинг ахамияти // Самарқанд ветеринария медицинаси институти Тошкент филиалида 2021 йил 30-март куни бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман тўплами. Тошкент-2021. 100-бет
9. БД Аллашов, ШИ Ибрагимов Изучение межгибридных скрещиваний по хозяйственно ценным признакам в селекции средневолокнистого хлопчатника/2006. Материалы конференции Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: тезисы докл. межд. науч. практ. Конф. Ст 49.

10. Б.Аллашов, М.Бонни. Селекционные работы по улучшению кормовой базы сорго, овса и тритикале. 2024/10/11 Ж.Перспективы кролиководства: проблемы и решения. Том 1. №1. Ст. 110-113
11. БД.Аллашов, С.Г.Жамолов, Д.Р.Жураева Сувсизликка ва иссиқка чидамли булган озукабоп экинларнинг хорижий нави ёки намуналарини танлаш. Ж.Science and innovation. Special №8, С.285-296
12. Б.Д.Аллашов Миллий генбанкдан олинган оқжўхори намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш. 2024 Ж. Science and innovation. Том 3. №Special Issue 47. 574-579 бетлар.
13. Б.Д.Аллашов, Д.О.Рахмонов, А.П.Безверхов. Использование сафлора в качестве нетрадиционной кормовой культуры. Ж.// Главный агроном. Россия № 6. 2019. 2019:6
14. Губин С.В., Логинова А.М., Гетц Г.В. Влияние густоты стояния растений на урожайность гибридов кукурузы различных групп спелости // Вестник Омского ГАУ. 2022. № 3 (47). С. 24–32. DOI 10.48136/2222-0364_2022_3_24.
15. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ, Тошкент. 2007, 147 бет.
16. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта. 5-е изд.» - М.: Агропромиздат, 1985. 351 с.
17. ДР Жўраева, БД Аллашов Маккажўхори етиштиришда инновацион усулда тайёрланган компостдан фойдаланиш. 2023 Ж.Science and innovation. Том 2. №Special Issue 8. 297-301 бетлар
18. Кимсанов И., Абсаматов С. Маккажўхорини Ўзбекистон 306 АМВ дурагай нави уруғини етиштириш (уруғ сифатини оширишнинг биологик ва технологик асослари). – Тошкент: 1998. – Б. 139-140.
19. Методика полевых опытов с кукурузой (Днепропетровск, 1984) услубий қўлланмаси.
20. С Жамолов, Б Аллашов Маккажўхорининг хорижий тизмалари ривожланиш давлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1.№1.Ст. 236-239

	танқислигига чидамли бўлган окжўхорининг маҳаллий ва хорижий намуналарини синаш ҳамда баҳолаш	
68	Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда иқлим ўзгаришига чидамли озуқабоп экинларни синаш	252
69	Ахмедов Т.П., Зулфиқоров М.Х., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхорининг бошпоя баландлиги	257
70	Ахмедов Т.П., Эрданова М.М., Маматова Ш.А., Аллашов Б.Д. Турли муддатларда экилган маккажўхорида барглар сони ўзгарувчанлиги	261
71	Ахмедов Т.П., Эрданова М.М., Маматова Ш.А., Аллашов Б.Д. Турли муддатларда экилган маккажўхорида барглар шаклланиши	265
72	Ахмедов Т.П., Эшмурадова Ҳ.Р., Бонни М.А., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида турли муддатларда экилган маккажўхорида сўталар шаклланиши	269
73	Зулфиқоров М.Х., Аллашов Б.Д., Янгибоев А.Е. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхорининг бошпоя тузилиши ва аҳамияти	273
74	Зулфиқоров М.Х., Ахмедов Т.П., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори ўсимлигида барглар сони	277
75	Зулфиқоров М.Х., Бонни М.А., Аллашов Б.Д., Янгибоев А.Е. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори ўсимлигининг барг сатҳи	281
76	Зулфиқоров М.Х., Янгибоев А.Е., Аллашов Б.Д. Озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори дон ҳосилдорлиги	285
77	Зулфиқоров М.Х., Янгибоев А.Е., Бонни М.А., Аллашов Б.Д. Чорва озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори кўк масса ҳосилдорлиги	289
78	Нажмиддинов Ж.Н., Ахмедов Х.Т., Казаков Н.И. Урожай кормовой массы и семенная продуктивность <i>solsola gemmascens</i> вцеловиях юго западного Кызылкумов	293
79	Сергазиева М.Р., Муталиева А.А., Арапбаева Ж.Е. Устойчивое сельское хозяйство: глобальные вызовы и мирные тенденция	296
80	Kholmurodova M., Juliev M., Djanpulatova Z. Assessment of soil erosion in rangeland using modern technologies on the example of chartak district of namangan region	300
81	Kholmurodova M., Juliev M., Turdalieva S. Markaziy Osiyoda tuproq eroziyasini o'rganish bo'yicha ilmiy sharh (1993–2022)	302
82	Djanpulatova Z., Juliev M., Kholmurodova M. Land use and land cover change impacts on rangeland ecosystem services: evidence from Chartak district, Namangan region	306
83	Djanpulatova Z., Juliev M., Turdaliyeva S. Markaziy Osiyoda	309